

**ИЖАРА ШАРТНОМА № 5 / 01 (ККБ)**  
(банкоматларни ўрнатиши бўйича)

**05** январ 2022 йил.

**Навоий шахри**

Навоий шахар “Саховат бозори” масъулияти чекланган жамияти (**МЧЖ**) номидан бошқарув раиси **Ф.К.Исомиддинов** кейинги ўринларда “Ижарага берувчи” деб аталади, иккинчи томондан давлат хизматлари маркази томонидан берилган №\_\_\_\_\_ сонли гувохнома асосида фаолият кўрсатувчи кейинги ўринларда “Ижарага оловчи” деб аталувчи **АТБ Қишлоқ қурилиш банк Навоий филиали** рахбари **Ғ.Н.Нормуродов** уставга асосан харакат килиб, ушбу шартномани қўйидагича туздилар.

### **1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ**

1.1.“Ижарага берувчи” жамиятга карашли Марказий дехкон бозор худудидан, 5 (беш) дона банкомат учун 15 кв. метр ер майдонини “Ижарага оловчи”нинг вактинчалик эгалик килиш ва фойдаланишига топшириш, “Ижарага оловчи” эса ижара ҳакини тўлагандан сўнг ижарага олинган ер майдонидан банк банкоматларини ўрнатиш мақсадида фойдаланиш ҳукукига эга бўлади.

### **2. ШАРТНОМА БАҲОСИ ВА ТЎЛОВ ТАРТИБИ**

2.1 Ижара тўлови биринчи ойи учун шартнома тузилган куни амалга оширилади. Кейинги ойлар учун шартнома бўйича тўлов ҳар ойнинг 10 санасидан кечиктирилмасдан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Кейинги йил учун ижара ҳакини 100% олдиндан тўлаш асосида рухсат берилади.

2.2 Ижара ҳаки ҳар бир квадрат метр ер майдони келишилган нарх бўйича тузилади.

№	Банкомат сони	Эгаланган ер майдони (кв.м)	Хар бир банкомат учун ойлик тўлови суммаси	Жами ойлик тўлови суммаси	Умумий йиллик тўлови суммаси
1	5	15	400 000	2 000 000	24 000 000

Шартноманинг умумий баҳоси: **Йигирма турт миллион сўмни ташкил этади.**

### **3. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

3.1. “Ижарага берувчи” нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

- “Ижарага оловчи” ни ер майдони (вактинча) билан таъминлаш;
- Ижарага олинган ер майдонини ўз вактида тозалаш мажбуриятларини олади;
- “Ижарага оловчи”дан ажратилган ер майдонини бошка максадлар йўлида ишлатганда ҳамда “Ижарага оловчи” томонидан ижара ҳаки ўз вактида тўланмаган тақдирда, хеч кандай огохлантиришларсиз шартномани бир томонлама бекор килиши ҳамда етказилган зарарни ундириб олиш ҳукукига эга бўлади;
- Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва маҳаллий давлат ҳокимияти томонидан нархлар ўзгартирилганда, “Ижарага берувчи” ижара шартномасида кўрсатилган тўлов баҳосини бир томонлама ўзгартириш ҳукукига эга бўлади.
- “Ижарага берувчи” ҳар ойнинг 10- санасига кадар онлайн электрон хисоб-варак (фактура) ни жунатиш. (электрон калит орқали).

3.2. “Ижарага оловчи” нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

- белгиланган ижара ҳакини ўз вактида тўлаб бориш;
- ўрнатилган ҳар бир банкомат учун чиқинди солиши мосламаси (урна) билан таъминлаш;
- ижара ўрнини иккиласми ижарага бермаслик;
- шартномада назарда тутилгандан бошка жихозлар ўрнатмаслик;
- ҳар бир банкоматга аҳоли мурожжатларини қабул қилучи “ишонч ” телефон рақамлари ёзувини ўрнатиш;
- ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя этиш;
- электр энергиясидан ўзбошимчалик билан фойдаланмаслик;
- банкоматнинг нотугри ишлаши объектга зарап етказсан тақдирда, етказилган зарарни 100 фоиз коплаб бериши.

#### **4. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ**

4.1 “Ижарага олувчи” томонидан ижара тўловлари ўз вақтида тўланмаган тақдирда “Ижарага берувчи” томонидан амалдаги қонун хужжатлари билан белгиланган тартибда жавобгарлик чоралари қўлланилади.

4.2 Ер майдонни вактинча фойдаланишга топшириш, ушбу шартноманинг ажралмас қисми бўлган қабул қилиш ва топшириш далолатномасига (1-илова) мувофиқ амалга оширилади.

4.3 “Ижарага олувчи” ижара ҳакини томонлар қабул қилиш далолатномасини (1-илова) имзоланган кундан бошлаб хисобланади.

4.4 2.1-бандида кўрсатилган ижара ҳакини муддатини бузганлик учун шартнома бўйича “Ижарага олувчи” “Ижарага беруучи”га тўловни кечиктирган хар бир куни учун кечиктирган тўлов суммасининг 0,1 фоизи микдорида, лекин кечиктирилган тўлов суммасининг 20 фоиздан кўп бўлмаган микдорида жарима ундиришга ҳакли.

#### **5. ФОРС-МАЖОР**

5.1 Томонларнинг ҳеч бири томонларнинг иродаси, хошишларига зид бўлган ва олдиндан айтиб бўлмайдиган ёки олдини олиш мумкин бўлмаган холатлар, шу жумладан эълон қилинган ёки ҳакиқий уриш, фуқаролар тартибсизликлари, эпидемиялар, блокадалар, табиий оғатлар (зилзилалар, тошқинлар, ёнғинлар ва бошқалар) туфайли ушбу шартнома бўйича мажбуриятларнинг барчаси учун бошка томон олдида жавобгар бўлмайди.

5.2 Ўз мажбуриятларини бажармаган томон 5 (беш) кун ичida бошка томонни ушбу тўсиқ ва унинг шартнома бўйича мажбуриятларининг бажарилишига таъсир ҳакида ёзма равишда хабар бериши шарт.

#### **6. БОШҚА ШАРТЛАР**

6.1. Ўзбекистон Республикаси Хукумати ва маҳаллий давлат ҳокимияти томонидан нархлар ўзgartiriлганда, ижара шартномасида кўрсатилган тўлов баҳоси хам ўзгаради.

6.2. Ушбу шартномага фақат томонларнинг келишуви билан (шартномада назарда тутилган ҳоллардан ташқари) кўшимча ва ўзgartiriшлар киритилиши мумкин.

6.3. “Ижарага олувчи” томонидан шартноманинг 2.1 бандида кўрсатилган мажбуриятлари бажарилмаган тақдирда “Ижарага берувчи” томонидан ижара ҳаки тўловларини амалдаги қонунчиликка асосан ундириб олиш хукуки вужудга келади.

6.4. Ўрнатилган банкоматларни алмаштириш ёки олиб кетиш икки томоннинг далолатномаси асосида амалга оширилади.

#### **7. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

7.1. Томонлар ўртасида юзага келган низолар Фуқаролик ишлари бўйича Кармана туманлараро судида ёки Кармана туманлараро Иқтисодий судларида ҳал этилади.

#### **8. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ**

8.1. Ушбу шартнома тарафлар томонидан имзоланган пайтдан бошлаб юридик кучга эга ва тарафлар учун бажарилиши мажбурийдир. Ижара шартномаси икки нусҳада тузилди.

8.2. Мазкур шартнома “01” январ 2022 йилдан, “01” январ 2023 йилгача тузилди.

#### **ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК ВА БАНК ТЎЛОВ РЕКВИЗИТЛАРИ**

##### **“Ижарага берувчи”**

“Саховат бозори” МЧЖ  
Навоий шаҳар А. Темур-9  
Х/р 20208000600306086001  
ЎзСҚБ Навоий минтақавий филиали  
МФО 00207 СТИР: 200003322  
ХТУТ: 71270  
Тел: (79) 223-18-68

Бошқарув раиси Ф.К.Исомиддинов

М.И

Хукуқиунос Б.Эшбулатов



##### **“Ижарага олувчи”**

АТБ ҚҚБ Навоий филиали  
Навоий шаҳар Ғалаба шоҳ 149 а  
Х/р: 1610300000000202001  
Қишлоқ қурилиш банки Навоий  
МФО: 00202 СТИР: 200007317  
ХТУТ: 96120  
Тел: (79) 224-98-01, (97) 368-18-61

M.I (имз.)

Ф.Н.Нормуродов